

4 - МАЪРУЗА:

**Ёнғин пайтида
одамларни эвакуация
қилиш**

РЕЖА:

1. Ёнғинда эвакуация жараёни ва унинг хусусиятлари.
2. Одамлар оқимининг ҳаракат ўлчамлари.
3. Эвакуация йўллари ва ўлчамлари.
4. Эвакуация вақтини аниклаш.

Ёнғинда эвакуация жараёни ва унинг хусусиятлари.

- Бино ва иншоотларда одамларни харакатланиши зарурый функционал жараён ҳисобланади. Бу жараённи кечиши шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисига бино ёки хоналардан ёнғин ёки зилзила шароитида одамларни хавфли муҳитдан хавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.
- Мажбурий эвакуатсия жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охирги қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиш эшигидан максимал узоқлашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва иншоотларнинг юқори қаватидаги хоналари киради.
- Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиш эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган ҳаракати киради. Бунда ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуатсия иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.

- Учинчи поғонага одамларни юқориги Қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи Қаватда зинахонадан чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун Қилинган Ҳаракати киради.
- Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чикқандан кейин вестибюл ёки фое ва тамбур орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган Ҳаракати киради.
- Саноат корхоналари бино ва иншоотларида одамларни Ҳаракатланиб юриши, ёрдамчи вазифаларга киради ва уни амалга ошириш учун маҳсус майдонлар (йўлаклар, зинапоялар, кириш ва чиқиш жойлари) ажратилади.
- Фуқаро ва жамоа биноларидаги алоқа хоналари хисобланмиш Қисмида (коридор, даҳлиз, ровон-фое, зинахона ва б.р.) эса одамларни Ҳаракатланиши асосий функсионал жараёнга киради. Алоқа тармоқлари аталмиш бундай хоналарнинг сатхи кўпчилик ҳолларда, бинонинг умумий фойдали майдонининг 30% дан зиёдроқ Қисмини ташкил этади. Бундай хоналар бино ва иншоотларда Қанчалик тўғри жойлаштирилган бўлса, уларни лойиҳавий эчимлари шунчалик фойдаланиш учун Қўлай бўлади.

- Эвакуатсия йўллари деб, бино ва иншоотларда хавфли Ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, Қисқа вакт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимиға айтилади.
- Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг Қисқа йўл билан ташқарига олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар, даҳлиз, зинахонадаги зинапоялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги маҳсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.


■ Эвакуация вақтида бинодан чиқиши эшиклари иккитадан кам бўлмаган ҳолда лойиҳалаштирилади. Хоналардан чиқиши эшиклари ва бинодан чиқиши дарвозалари бирбiriдан маълум масофада узоқлаштирилган бўлади. Агар хонанинг майдони катта бўлиб, ундан чиқиши эшиклари иккитадан ортиқ бўлса, улар орасидаги энг қисқа масофа қўйидаги формула орқали аниқланади

$$\blacksquare \quad \Lambda \geq 1,5\Gamma$$

Γ - хона майдонининг томонлар ўиғиндиси, м.

■ Эвакуация вақтини аниқлашда лифт ва эскалатор ускуналаридан фойдаланиш хисобга олинмайди.

«Нима учун?» чизмаси ёрдамида.....



Назорат саволлари

1. Ишлаб чиқариш биноларида ёнғин ва портлаш юзага келишини белгиловчи қанақа омиллар мавжуд?
2. Ишлаб чиқариш корхоналарининг газ ва суюқлик буғлари бўйича портлашга хавфлилик тоифаларини аниқлашнинг қанақа қоидалари ва талаблари бор?
3. Корхоналарнинг газ ва суюқлик буғлари бўйича портлашга хавфлилик тоифаларини аниқлаш кетма-кетлигини келтиринг.
4. Портлашга хавфли миқдор ҳосил қиласиган газ аралашмасининг алангаланишнинг пастки концентрация чегарасидаги ҳажми қанақа формула ёрдамида аниқланади?
5. Бинога тарқалиб кетадиган модда миқдори қанақа ифода билан аниқланади?
6. Портлашга хавфли буғ-ҳаво аралашмаси ҳосил бўлишини таъминлаидиган буғланиш даври қанақа аниқланади?

Эътиборларингиз учун раҳмат!